

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1998 йил 5 декабрь, шанба • № 95 (14.078) • Эркин нарҳда сотилади


## ХАЛҚ ТАҚДИРИ, БУЮК КЕЛАЖАК ҚОМУСИ

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ: ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА ВА ДАВЛАТ СУВЕРЕНИТЕТИ БОЯЛАРИГА СОДИҚЛИГИНИ ТАНТАНАЛИ РАВИШДА ЭЪЛОН ҚИЛИБ, ҲОЗИРГИ ВА КЕЛАЖАК АВЛОДЛАРИ ОЛДИДАГИ ЮКСАК МАСЪУЛИЯТИНИ АНГЛАГАН ҲОЛДА, ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИ РИВОЖИНИНГ ТАРИХИЙ ТАЖРИБАСИГА ТАЯНИБ, ДЕМОКРАТИЯ ВА ИЖТИМОЙ АДОЛАТГА САДОҚАТИНИ НАМОЁН ҚИЛИБ, ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ УМУМЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН ҚОИДАЛАРИ УСТУНЛИГИНИ ТАН ОЛГАН ҲОЛДА,**

**Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг олти йиллигига**

**РЕСПУБЛИКА ФУҚАРОЛАРИНИНГ МУНОСИБ ҲАЁТ КЕЧИРИШЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ИНТИЛИБ, ИНСОНЛАРВАР ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШНИ КЎЗЛАБ, ФУҚАРОЛАР ТИНЧЛИГИ ВА МИЛЛИЙ ТОТУВЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА, ЎЗИНИНГ МУХТОР ВАКИЛЛАРИ СИЙМОСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МАЗКУР КОНСТИТУЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.**

*(Конституция кунига бағишланган саҳифани 2-бетда ўқийсиз).*



## Вилоят ҳаёти

Янгиликлар, одамлар, воқеалар

### НУРЧИЛАР БУЮРТМАСИ БИЛАН

**ЎЗБЕКИСТОН** Фанлар академиясининг физика-техника институти олимлари кашф этган янги курилмалар билан минораларни брнтийшни автоматлашган тарзда бошқариш имконини беради. Унинг дастлабкиси Тошкент ГРЭСида ўрнатилди.

Институт олимлари Навоий ГРЭСи буюртмасини ҳам ўз вақтида адо этдилар. Уларнинг жиддий изланишлари туфайли нурхонанинг кучлиниш трансформаторлари учун махсус термосигнализатор намунаси юзга келди. Уни ўрнатилганда ҳам институт мутахассислари нурчиларга ёрдам бердилар. Бундай мослама Тошкент ГРЭСи учун ҳам тайёрлаб берилди.

Акбар АЛИЕВ.

### ОЛМАЛИҚДА УЙ-МУЗЕЙ

**ОЛМАЛИҚ** шаҳрида вилоят хотин-қизлар кўмитаси, вилоят «Олтин мерос» ва «Маҳалла» жамғармалари ҳамкорлигида маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Олмалиқлик олим ва шоир Мусулмонкул Асқаров хонадонда ташкил этилган уй-музейнинг очилишига бағишланган мазкур тадбирга шаҳардаги маҳалла фаоллари, хунарман аёллар ва бошқа жамоатчилик вакиллари ташриф буюрдилар. Ушбу уй-музейда асосан ўлкашуносликка оид турли тарихий уй-рўзгор буюмлари, қадимий китоблар, танамунаси юзга келди. Уни ўрнатилганда ҳам институт мутахассислари нурчиларга ёрдам бердилар. Бундай мослама Тошкент ГРЭСи учун ҳам тайёрлаб берилди.

Миртурсун МИРСОАТОВ.

### ТИЛ КЎЗГУСИ — ДИЛ КЎЗГУСИ

**ЯҚИНДА** Покент туманидаги 3-ўрта мактабда «Тил кўзгуси — дил кўзгуси» мавзусида адабий кеча бўлиб ўтди. У эъбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг тўққиз йиллигига бағишланди.

Анжуманда фаол иштирок этган Камола Тошева, Зиёвуддин Бегматов, Машхура Назарова, Ирода Тошматова, Сарвар Абдуллаевларнинг ҳар бири чиқишлари катнашувчилар қалбида илиқ таассурот қолдирди. Улар Навоий, Бобур ҳамда замондош шоирларимизнинг тил ва элга атаб ёзган шеър-ғазалларидан намуналар ўқишиб, узебек тилининг нечоғли қудратли ва азиз эканлигини яна бир бор намоийш эттиди.

Кизикarli ўтган бу тадбирга шу мактабнинг «Ўзбек тили ва адабиёти» ўқувчиси Каромат Исаева бошчилик қилди.

Муродулла ҒАФУРОВ.

### ҲАМКОРЛИҚДА ОЧИЛДИ

**ЯНГИЙЎЛ** шаҳрида ноғирон болалар учун вилоят Қизил Ярим ой жамияти, Исландия Қизил Хоч кўмитаси ҳамда Голландия ҳамкорлигида тиббий-ижтимоий марказ очилди.

Ўқиб, турли хунарларни ўрганиш учун барча қулайликлар яратилган мазкур маскани исландияликлар энг замонавий муолажа асбоб-ускуналари ҳамда мебель билан жиҳозладилар. Марказда фаолият қўришаётган дўхтирлар, ҳамшираларни моддий маблағ билан қўллаб-қувватлашни ҳам шу мамлакат саховатпешалари ўз зиммаларига олишган.

Голландия Қизил Хоч кўмитаси эса ноғиронларни ва шаҳардаги ёлғиз, ўта муҳтож қариқулнари ҳамда мебель билан жиҳозладилар. Шу мақсадда кўмита 25 минг АҚШ доллари миқдорига маблағ ажратди.

Саид ВАЛИЕВ.

### НОГИРОНЛАР ДАВОЛАНИШМОҚДА

**ВИЛОЯТИМИЗНИНГ** Юқоричирик туманидаги «Илк ота» хўжалиги ҳудудида қад кўтарган «Енграги» — халқро инсонийлик жамғармасининг маданий-маърифий ва ноғиронларга ёрдам маркази қўшимча энг замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди.

Бу ерда узоқ вақт таъаббуси билан марҳумлар, айниқса, ноғирон болалар билан муолажалар олиб бориладилар. Жамғарма бош директори Хи Мин Пақ ташаббуси билан марказда энг таниқли санъаткорларнинг концертлари, театрлаштирилган чиқишлар ва турли мавзуларда суҳбатлар ҳам уюштириб борилади.

Саид АҲМЕДОВ.

## Вилоят ҳаёти

Янгиликлар, одамлар, воқеалар

### ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

**ЎЗБЕКИСТОН** Президенти Ислам Каримов 3 декабрь куни АҚШнинг «Кейс» корпорацияси раҳбари Жан Пьер Россо бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

— Ўзбекистон билан «Кейс Корпорейшн» ўртасидаги ҳамкорлик мазкур фирма Ўзбекистонни қишлоқ хўжалик техникаси ва унинг эҳтиёт қисмлари билан таъминлайди деганигина эмас, — деб таъкидлади Ислам Каримов учрашувда. — Биз ушбу мақсулотларни Ўзбекистонда ишлаб чиқариб, минтақамиздаги бошқа давлатларга сотишимиз ҳам мумкин. Негаки, минтақамизда қишлоқ хўжалик техникаси ишлаб чиқарадиган йirik корхона деярли йўқ, мен бу ҳақда «Кейс» вакиллари билан илк музокаралардаёқ айтган эдим.

Ўзбекистон билан «Кейс Корпорейшн» ўртасидаги ҳамкорлик ҳақида гап кетганда, айтиш мумкинки, у самарали бўлаётир. Икки то-

қурса, «Кейс Корпорейшн» учун эса ўз мақсулотларини сотиш имконияти янада кенгайди. Жан Пьер Россо давлатимиз раҳбари билан учрашувдан олдин журналистларга берган интервьюсида ушбу ташрифдан асосий мақсад ҳам Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада кенгайтиришдан иборат эканини таъкидлади. Шу боис корпорация Ўзбекистонда яна битта кўшма корхона очилиши мўлжалламоқда. Ҳозир мамлакатимизда «Кейс» корпорацияси билан шерикликда учта кўшма корхона фаолият кўрсатяпти.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан «Кейс Корпорейшн» ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан кенг фикр алмашилди, мавжуд лойиҳаларнинг амалга оширилиш жараёни ва янги режалар кўриб чиқилди.

Учрашувда Бош вазир ўринбосари Б. Олимжонов, «Ўзбекистон хўжаликшох-холдинг» компанияси раиси Р. Матчонов иштирок этди.

(УЗА).

### УЛУҒ ВА МУҚАДДАС

**ЎЗБЕК** халқи азал-азалдан ўз тарихи, миллий қадриятлари ва анъаналарига эътиқод ва эъзоз билан муносабатда бўлувчи маърифатли халқдир. Бу халқнинг жон қадар асрагувчи, осмон қадар бошга кўтаргувчи улуг аждоғлари, оламшумул кашфиётлари, маданий ва маърифий мероси — хазинаси бор.

Замонлар ўтиб, эл юрагидаги яралар битиб, чин маънодаги улуг бойлик — мустақиллик насиб этди бу юртга. Ана шу эрк туфайли юзга келган, халқимизнинг тинч-фаровон ҳаёти учун қалбда бўлган мустақил давлат Конституциясининг қабул қилиниши биз учун яна бир ўлмас қадриятдир.

Энг олий ва устувор қонун ҳисобланган қомусимиз олти йилдирки, ҳаётимизга сингиб бормоқда. Бу йил Конституция кунини нафақат байрам қилинмоқда, балки мазкур Қомусни ўқув даргоҳларида, корхоналарда, жамоат ташкилотларида чуқур ўрганишга ҳам катта эътибор берилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Тошкент Давлат Аграр университетиди бўлиб ўтди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги, вилоят хотин-қизлар

кўмитаси, «Маҳалла», «Олтин мерос» жамғармалари ташаббуси билан уюштирилган мазкур анжуман «Жамият, инсон ва қонун» деб номланди. Унда вилоят шаҳар ва туманлари хотин-қизлар кўмиталари раислари, маҳалла кўмиталари фаоллари, шаҳар ва туман газеталари муҳаррирлари, «Камолот» ёшлар жамғармаси ва бошқа жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Анжуманда Ўзбекистон Республикасининг Конституцион суди раиси Баҳодир Эшонов «Ўзбекистон Конституцияси — мустақил хуқуқий давлат қароли» мавзусида маъруза қилди. У ўз сўзида Ўзбекистон Конституциясининг аҳамияти, унинг нафақат мамлакатимизда балки халқро ҳамжамият олдига тугган ўрни ва эътирофи хусусида атрофлича тўхтади.

Шундан сўнг вилоят ҳоки-

мизнинг муовини, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Хўжаева «Аёллар хуқуқий маданияти — фаровон турмуш асоси», вилоят «Камолот» ёшлар жамғармаси раиси Еқуб Турсунов «Жамият, инсон ва давлатимиз келажиги — ёшлар», вилоят «Олтин мерос» жамғармаси раиси Зарифа Эшиммуртаева «Хуқуқий давлатда миллий мероснинг ўрни ва аҳамияти», вилоят «Маҳалла» жамғармаси раиси Мурод Мирзаев «Шарқона оиланинг маънавий-хуқуқий асослари» мавзуларида сўзга чиқдилар.

Маърузалар қизиқarli баҳс ва мунозаралар, савол ва жавобларга уланиб кетди. Сўзга чиққан университет талаба ва ўқитувчилари, хотин-қизлар фаоллари, журналистлар жамиятимиз ривожига ва келажиги учун муҳим бўлган омиллар, бартараф этилиши лозим бўлган камчиликлар хусусида ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

**Зарифа ЭРАЛИЕВА,**  
**«Тошкент ҳақиқати»**  
**муҳбири.**

### ТУРИЗМГА ОҚ ЙЎЛ

**Вазирлар Маҳкамасида** туризмни ривожлантириш бўйича илораларга кенгайтириш мажлиси бўлди. Уни Бош вазир ўринбосари, мазкур кенгаш раиси Х. Кароматов бошқарди.

Мажлисда вазирликлар, идоралар, кўмиталар ҳамда Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришда иштирок этяётган бир қанча вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг раҳбарлари иштирок этди.

Мажлис иштирокчилари Вазирлар Маҳкамасининг сайёҳлик ташкилотлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қарорларининг бажарилиши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқдилар, идораларга кенгаштирилган дастурини муҳокама қилдилар. Ушбу масалалар юзасидан «Ўзбектуризм» Миллий Компаниясининг раиси Б. Хусанбоев маъруза қилди. Маърузани муҳокама қилишда Маданият ишлари вазирлиги, Божхона кўмитаси, вилоятлар ва пойтахт ҳокимликлари, транспорт ташкилотлари ҳамда Ўзбекистонда замонавий туризм инфратузилмасини барпо этишга, инвестицияларни жалб қилишга, ҳорижий савҳатчиларнинг мамлакатимизга келиши учун қулай шартнони таъминлашга ва ички туризмни ривожлантиришга доир ҳукумат қарорларини амалга ошириш учун масъул бўлган бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисда «Ўзбектуризм» миллий компанияси томонидан ишлаб чиқилган стратегия дастур қондалари асос учун қабул қилинди. Уни бажариш учун янги шарт-шароит яратилгани таъкидланди. Туризмни ташкил этишни такомиллаштириш, туристик хизмат бозорига иштирок этишни кучайтириш ишида халқро таърибо тўпланмоқда, малакали кадрлар тайёрланмоқда, моддий техникавий ва молиявий база мустаҳкамланмоқда.

(УЗА).

### «ДАВЛАТ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИ ВА УСТУНЛИГИНИ ҲИСОБГА ОЛИБ, ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ, ТАДБИРКОРЛИК ВА МЕХНАТ ҚИЛИШ ЭРКИНЛИГИНИ, БАРЧА МУЛК ШАКЛЛАРИНИНГ ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛИгини ВА ҲУҚУҚИЙ ҲИҚАТДАН БАБ-БАРАВАР МУҲОҒАЗА ЭТИЛИШНИ ҚАФЛАТЛАЙДИ».

**Конституциясининг мазкур моддасида таъкидланган тизилмалардан бири бўлган «Бизнес-Фонд»нинг ваколатхоналари Ҳозирги вақтда вилоятимизнинг 14та шаҳар ва туманларида фаолият кўрсатмоқда.**

Улар тадбиркорларнинг 107та лойиҳаларини молиялаштириб, жами 326,1 миллион сўмлик кредит линиялар очилди. Бу маблағлар ҳисобига вилоятда 1465та янги ишчи ўринлари барпо этилди. Уларда ҳар йили 838,4 миллион сўмлик кенг истеъмол мақсулотлари ишлаб чиқаришда ва хизмат кўрсатишда.

Жорий йилда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларга кредитлар бериш ишлари қўлими янада кенгайди. Йил бошидан бери 11та лойиҳа учун 14,7 миллион сўмлик имтиёзли кредит линиялари очилди. Шу жумладан, 1,5 миллион сўмлик имтиёзли кредит берилди. Бу маблағлар ҳисобига салкам 100та янги иш жойлари ташкил этилиши мумкин. Уларнинг ҳар йили 71,7 миллион сўмлик мақсулот ишлаб чиқаришлари ва хизмат кўрсатишлари назарда тутилган.

Жорий йилда тадбиркорликнинг иқкинчи босқичи учун маблағлар ажратиш ҳам йўлга қўйилди. Жумладан, бундай тузилмаларнинг ишлаб чиқариш қувватларини оширишга қаратилган қўшимча учта лойиҳа бўйича 4,5 миллион сўм миқдорига маблағлар берилди. Умуман жорий йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида вилоятимиз тадбиркорлари жами 47,8 миллион сўм кредит маблағлари билан таъминландилар. «Бизнес-Фонд»дан имтиёзли маблағларни олиб рақобатбардос мақсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган ва юксалиш йўлидан бораётган кўпгина тадбиркорлик тузилмалари ишламоқда. Масалан, Зангиота туманидаги «Файз» ишлаб чиқариш фирмаси 4,7 миллион сўм имтиёзли кредит билан таъминланган эди.

сифатлилиги билан ҳам ажралиб туради. Улар тайёрлаётган сариёғ, пишлоқ, ҳар хил турдаги бринза, тўров ва йогуртлар Тошкент шаҳридаги «Интерконтинентал» мехмонхонасига ҳам шартнома асосида etkaziб берилмоқда. Ангрен шаҳридаги «Туркистон» хусусий фирмаси жамоаси ҳам кредитга берилган маблағларни самарали ишлатмоқда. Бу ерда қимматбаҳо мармар плиталари тайёрланмоқда. Илгари биз кредитларни «Мадад» суғурта агентлигининг полиси бўлган дағина шартнома асосида тижорат банклари орқали ажратилди. Кейинги пайтларда бу соҳада ҳам янгилик жорий этил-

ди. Мол-мулкни гаровга қўйиш орқали кредит бериш йўлга қўйилди. Бу тартиб тадбиркорларга ҳам анча қул келди. Шунинг учун у тўбора кенгайиб бормоқда. Жорий йилнинг ўзида бта тадбиркорга шундай кредит ажратилди. Уларга ҳаммаси бўлиб 28 миллион сўмлик имтиёзли қарз берилди. Бунинг эвазига ишбилармонларнинг 33,8 миллион сўмлик мол-мулкни гаровга олди.

Ажратилаётган кредитларни ва уларнинг фозиларини ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш муҳим вазифадир. Шунинг учун ҳам биз бу масалада доим эътибор марказида ишлаб чиқаришни ўлаштирдик. Бу камқонликда ва қувватсизликда ишлатилмайдиган бебаҳо доридир. У ҳориздан олиб қилинаётганига нисбатан анча арзон. Шунинг учун ҳам корхонанинг бу мақсулотига талаб тўбора ортиб бормоқда. Оққўрғон туманидаги «Хонтемир» ва «Абдулла» дехқон-фермер хўжалиқлари ҳам имтиёзли кредитлардан самарали фойдаланмоқдалар. Бу ерда қорамоллар замонавий усулда парвариш қилинмоқда, компьютерлашган соғиш ускуналари ўрнатилган. Хўжалиқларда етиштирилган сўх мўлҳотлари ўзининг таъми аҳлишлги ва

техник-иқтисодий кўрсаткичлари асосида кредитнинг қайтаришга бўлган имконияти чуқур ўрганилмоқда ва баҳоланмоқда. Агар у амалдаги қонунларга ва қондаларга жавоб бермаса, бундай тадбиркорларга кредит беришдан воз кечилапти.

Фондимиз ажратган сармоялардан назарда тутилган мақсадларда ва ўз вақтида фойдаланишини аҳоли мунтазам текшириляпти. Бу ишлар қатор манфаатдор ташкилотлар билан бирга тузилган жадал асосида ўтказилмоқда. Шу йилнинг ўтган 10 ойи ичиди шу йўл билан 74та мониторинг текшируви амалга оширилди.

Кўпчилик тадбиркорлар маблағи белгиланган мақсадларда ишлатиляпти. Лекин, «Бизнес-Фонд» томонидан кредит олиб, фаолият кўрсатаётган айрим корхоналар ва фирмалар қарзларини ўз вақтида қайтармаётдилар, шартнома мажбуриятлари бажарилишини таъминламаётдилар. Масалан, Бўстонлик туманида жойлашган «Мауленов Ж.» ва «Оразбоев» фермер хўжалиқлари раҳбарларининг ҳатти-ҳаракатларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Уларнинг ҳар бири 1996 йилда 1 миллион сўмдан кредит олган эдилар. Бу маблағни ва унга туланидиган фозиларни қайтариш вақти келганида эса хўжалик раҳбарлари бизнинг талабимизга қулоқ соқмай, уни рад этишдан ҳам қайтмади. Худди шундай аҳвол Паркент туманидаги «Лазиз» ва «Тибет» кичик корхоналарида ҳам содир бўлди. Масалани суд орқали ҳал қилишдан бошқа иложимиз қолмади. Юқорида номлари қайд этилган корхона-хўжалик кредит ва унга фозил-

**Турсун КУШАЕВ,**  
**вилоят «Бизнес-Фонд»и бошқармаси**  
**бошлиғи.**

# ХАЛҚ ТАҚДИРИ, БУЮК КЕЛАЖАК ҚОМУСИ



ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИНING  
КОНСТИТУЦИЯСИ



39-модда. «Хар қил қареванда... мехнат даёқатини буюқсанда... ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга». Уртағирчиқ тумани ижтимоий таъминот бўлими мудири Сафар Шерматов (ундан иккинчи), унинг муовини Ойдин Оминовлар хузурида пенсионерлар тез-тез бўлиб туришда. Бу гап ҳам сўхбат мароғи бўлди. Президентимизнинг шу йил 1 январдан бошлаб пенсиялари 1,2 баравар ошириш тўғрисидаги Фармони навабдаги мулоқотнинг бош мавзусига айланди.

37-модда. «Хар бир шахс мехнат қилиш, эркин касб танлаш... ҳуқуқига эгадир». Қўйиччиқ туманида қад ростлаган «Ўзбекистон-АҚШ-Токистон» ҳамкорлигидаги «Зафарикбол» ит-калавгага галтак тайёрлаш қўшма корхонаси ишчилари Мирзохид Зубайдов, Абдурашид Жиринбоёвлар таъмирловчилик касбини танлаб кам бўлишмапти.



## АДОЛАТТА ДАЛОЛАТ

**ИНСОН ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ҲИМОСИ ҲАМИША МУХИМ МАСАЛАЛАРДАН БИРИ БЎЛИБ КЕЛГАН. ШУНИНГ УЧУН ҲАМ ИСТИҚЛОЛГА ЭРИШГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ИЛҚ ҚАДАМЛАРИДА ҚАБУЛ ҚИЛГАН ҚОНУН ВА ҲУҚУҚИЙ МЕЪЯРИЛАРИ АСОСАН ИШИЛАР МАНФААТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА, ФУҚАРОЛАРИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲИЖАТДАН ҲАР ТОМОНЛАМ МУҲОФАЗА ЭТИШГА ҚАРАТМОҚДА ВА БУ ЙЎЛДА ИЗЧИЛ ИШ ОЛИБ БОРМОҚДА.**

Утган йиллар ичида қонун ижодкорлиги йўналишида амалга оширилган тадбирлар шунчалик сермахсул ва серқиррали бўлдики, булар одамлар, жамият ва давлатга тегишли ақсарият муаммоларини ўз ичига олди. Аввало, шуни айтиш керакки, ҳақдор муаммоларни ҳал қилишда асосий орада биринчилик қатори республикамизнинг асосий қонун бўлган Конституциямизнинг қабул қилиниши оламшумул аҳамият касб этди. Қомусимиз барча қонунларнинг бош манбаи сифатида фаолиятимизнинг йўриқномасига айланганлигини, унда бугунги вазелигимиз ҳамда эртанги кунимизга бўлган чўқур ишонч ўзининг ифодасини топганини кундалик ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар амалда тасдиқламоқда.

Конституция асосида ҳар томонлама ҳимояловчи қонунлар ва ҳуқуқий меъярлар қабул қилиниши ва яна қатор қонунлар устида иш олиб боришмоқда. Ҳужаки юриштиш тақомиллаштириш, маъмурий ҳуқуқбузарлик, жиноят ҳуқуқи ва жиноят жараёни, фуқаролик Кодексининг иккинчи қисми, меҳнат, оила ва бошқа Кодексларнинг демократик тамойиллари энди фаолиятимизда амалий ҲИЖАТДАН ўзининг самараларини кўрсатмоқда.

Шуни айтиш керакки, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя этишда суд ҳокимияти алоҳида ўрин тутади. Бу Конституцияда ҳам ўз ифодасини топган. Ақсарият фуқаролар ўз суд жараёни тартибларини етарли даражада билмасликлари туфайли, судлар уларнинг қўз ўнгиде ҳақдорлиги, қораловчи, озодликдан маҳрум этиши идрора сифатида гаваҳланадиганлигини, Шунинг учун ҳам Президент Олий Мажлисининг оптичи сессиясида «...судни фақат одамларни қораловчи, ҳақдорлигини қораловчи орган деб эмас, ақсарият, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қиладиган орган деб билиш керак», деб ўқитган эди.

Ҳақ-ҳуқуқлар муҳофазасига ҳақдор қонунлардан бири — 1995 йилнинг 30 августда Олий Мажлисининг учинчи сессиясида қабул қилинган «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган ҳақ-ҳаракатлар ва қарорларнинг устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги қонундир. Унга қўра, фуқароларнинг поймол қилинган ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилган суд органларнинг ваколати бирмунча кенгайтирилди. Масалан, агар фуқаролар муқаддам фақат мансабдор шахсининг ҳақ-ҳаракати устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлса, ҳозирда коллежал органларнинг ҳақ-ҳаракатлари устидан ҳам судга шикоят қилиш мумкин бўлди. Ҳужаки ҳуқуқига эга бўлиши, жамиятнинг афзалликларидан яна бири мансабдор шахсларнинг ҳамда давлат бошқаруви идораларининг фуқаро ҳуқуқига тегишли бўлган фаолиятларини амалга оширишда жавобгарликларини қўйиштиришга қаратилганлигидир.

Бу масала Ўзбекистон Республикасининг амалдаги фуқаролик, процессуал Кодекс

Шоакбар ШОРАҚМЕТОВ, юридик фанлар доктори, профессор.

## Инсон азиз

### БИРЛАШГАН Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеяси томонидан 1948 йилнинг 10 декабрда қабул қилинган «ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ» БАРЧА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ДАСТЛАБКИ ХАЛҚАРО ТАРИХИЙ ҲУҚУҚАТДИР. УНИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНГА ҲАМ БУ ЙИЛ 50 ЙИЛ ТЎЛМОҚДА.

ДЕКЛАРАЦИЯНИНГ ишлаб чиқилиши давлатларнинг ички ва ташқи сиёсатида, ижтимоий ташкилотлар, шунингдек, сёсий партияларнинг фаолиятида катта аҳамият касб этди. Ундаги қонунлар, ҳуқуқлар, тамойиллар ўзининг моҳияти ва мазмунига қўра мукамаллиги билан алоҳида эътиборга лойиқдир. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомида, шунингдек, Декларацияда ва 1975 йилнинг 1 августда Хельсинкида 35та давлат бошлиқлари иштирокида имзоланган Оврүпада хавфсизлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги

## ФУҚАРО, ЖАМИЯТ, ДАВЛАТ, ҲУҚУҚ

ХАЛҚИМИЗ мустақил мамлакатимиз тарихига катта ҳарфлар билан ёзилган муҳим сана — Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган куннинг 6 йиллигини қўтаринки кайфиятда нишонлашга ҳозирлик кўрмоқда. Ортада қолган йиллар асосий Қомусимизнинг чиндан ҳам демократик руҳда эканлигини, унда ўз ифодасини топган давлат, жамият ва фуқароларга ҳақдор тамойиллар, ҳуқуқ ва бурчлар инсон манфаатига қаратилганлигини амалда тўла намойён этди.

Эл бахт-саодатини кўзлаган бу китоб илгор давлатларнинг бой тажрибасига таяниб яратилганлиги, ҳар сатрида аҳдодаларимиз олдида турган миллий тафаккур, олий инсоний қадриятлар муҷассам топганлиги билан, айниқса, оламшумул аҳамият касб этмоқда.

Муқаддас заманимизда истиқомат қилаётган барча фуқароларнинг дунёқарошини, уларга хос муносабатлар, хусусиятлари, меҳр-оқибат, одамийлик, ўзга миллат ва элатларга нисбатан ҳурмат, илму фанга интилиш, ор-номус, ифрат ва ҳаё қабил эзгу фазилятларини ўзига асос қилиб олган Конституциямизнинг бош йўналиши тенглик ва эркинликка, биродарликка, халқлар ҳамда миллатлар дўстлигига, тинчликни мустаҳкамлашга бўлган садоқатда янада ёрқинроқ кўзга ташланмоқда.

Конституциямизнинг аввалги нусхаларидан ўзига хос фарқи бор. Унинг моҳияти ва гоёсига дунёвий нэматлар орасида энг улуги инсон деган мазмун синдирилган. Худди

раси деб биламан.

Асосий Қомусда давлат ҳокимиятининг тузилиши ва фаолият тартиби ваколатларини тақсимлаш демократик тарзда, одилликни кўзлаб амалга оширилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг, Республика Президентининг Вазирлар Маҳкамасининг, Конституциявий суд, Олий суд, Олий ҳўқуқли суднинг ваколатлари аниқ, равшан белгилаб берилди. Шунга қўра, Қонун чиқарувчи ҳокимият Олий Мажлис томонидан, Ижроия ҳокимият эса Ўзбекистон Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилди. Суд ҳокимияти ўзи мустақил вазифасини бажараверади.

Конституцияда маҳаллий ҳокимиятнинг бошлиғи — ҳоким лавозими жорий этилганлиги бошқарувда ўзини тўла оқламоқда. Маҳаллий вакиллик ҳокимияти — халқ депутатлари кенгашларига, шунингдек, ижроия ҳокимиятга вилоят шахар ва туманлар ҳокимлари раҳбарлик қилувчилари, шахарчалар, қишлоқлар ва овулларда маҳаллий ҳокимият ўз-ўзини бошқариш органлари шаклида амалга оширилди қайд қилинди. Бугунги кунда ўз-ўзини бошқариш органларида ўтаётган сайловлар, ўзининг демократик ҳиҳатлари, муқобиллик тарзида олиб борилаётганлиги билан Конституциямизнинг амалий фаолиятини яна бир бор кўрсатди.

Шуни айтиш керакки, биринчи марта Ўзбекистон Конституцияси коммунистик мафқурадан, синфийлик, якпартиявийликдан холи

## ОНА ЮРТ РАМЗИ

ИСТИҚЛОЛ йиллари беқиёс мазмунларга, улуг режаларни амалга ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатларга шу қадар бой бўлмоқдаки, ҳатто қунар, ойларнинг шиддат қор одимлаётганини баъзан сезмай қолсан, киши. Аммо ўтган бу вақт ичидаги бунёдкорликларни кўриб, диллар ифтихорга тўлади. Тобора қирой оцаётган шахарлар, қўлч озаётган гузарлар, осмонга бўй қўзаётган турар жой бинолари, замонавий меъморчилик асосида қад ростлаётган маъмурий идоралар, манзиллари манзилларга бўлган кенг, равои қўнарлар, энг олис қишлоқларга ҳам етиб қоран табиий газ, ичимлик суви тармоқлари — буларнинг ҳаммаси етти йил ичидаги ютуқларимиз, аниқроқ мустақиллик самараларидир.

Маънавият бондида қўлга киритилган муваффақиятлар қанчадан-қанча. Аҳдодалар меросининг, азалий удулларимиз, қадриятларимизнинг қайта тикланиши, инсон ҳақ-ҳуқуқлари муҳофазасига эътиборнинг кўнаиши, ёшларга бўлган гамқурилиқ, илм-маърифатга, соғлиқни сақлашга муносабатдаги эътибор... Буларнинг ҳаммасини бирма-бир санаб тасаввурга жў этиб бўлмайдик. Чўнки, ҳар соҳада ислохотлар туфайли эришилган самараларнинг қўлами кен.

Ана шу гоёга мувофиқ, «Фуқаро — жамият — давлат» ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий ечими мукамал кўрсатиб берилган.

Бош қонунимизда хусусий мулкни давлат ўз муҳофазасига олиши ҳам унинг муҳим ҲИЖАТЛАРИДАН бири ҳисобланади. Бу тамойил Республикамизда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, мулкдорлар қатлами шакллантиришга кенг йўл очди. Натижада мулк эгаларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор қонунлар қабул қилинди.

— Бизга шундай кенг ҳуқуқлар яратиб берилдики, — дейди Юқоричирик туманидаги «Малик» хусусий чорвачилик фермасининг раҳбари Малик Алимов, — натижада мулкдор сифатида ўтган тўрт йил мобайнида қад ростлашимизга, ўзимизга бириктирилган ерларга ишлов бериш учун зарур техникани сотиб олишга муваффақ бўлдик. Бунинг Конституциямизда баён этилган қоидаларнинг амалий сама-

ТЕЛЕВИЗОР орқали юр-тўшқимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 6 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармони эшитганимизга ўзгача бир тўққилиниб кетдим.

Аллоҳга минг бор шўқр, оиламиздан ёки қариндош-уруғларимиздан ҳеч ким бундай жазага тортилмаган. Лекин фармоннинг ҳар банди тингланганида, қимнингдир қонандошда хушнудлик бўлиши, мусибати орқанда қолишини ўйлаб, қўларимга севинчи қўлини қалқидим.

## БАҒРИКЕНГЛИК

Бундай кеңирилик оилага меҳр-муруват каби юксак инсоний фазилятлар фармонда муҷассам топганлигини одилликни чўқур тушуновчи ҳар бир инсон дилдида хис этади. Ана шу ҲИЖАТЛАРИДАН Конституциямизнинг қатор моддаларида алоҳида урғу билан қайд қилинган инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қоидаларнинг амалий самараси аққол намойён.

Йўлбошимчи томонидан кўрсатилган бундай муруват, бағрикенглик улуг тахсинга сазовордир.

Марғуба ВОРИСОВА, меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳри.

## КАФОЛАТ

Ўн икки миллат вакили бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилаётган заводимиздаги муҳитни кўриб, ўзим фахрланаман. «Ҳеч қачон кўз теғмасин», деган сўзларни хаёлан тақоролмайман.

Аслида ҳам мунтазам эришиб келаётган ютуқларимизнинг босиси ислохотлар йўлидаги ҳамжиҳатлигимиз, дўстлигимиз қудратига, ўзаро ҳурмат, меҳрибонликка бўлган садоқатимизда деб биламан.

Узоққа бормайлик, шу йилнинг 11 ойи давомида 460 миллион сўмликдан кўпроқ иш бажардик. 140 минг тонна асфальт, 200 минг тонна қўра, шўнар, шўнингдек, қўш-шўнал аралашмаси ишлаб чиқардик. Бу ўтган йилнинг шу қадарига қараганда анча кўп. Махсусотлар вилотиимиз ва Тошкент шаҳрининг қурилишларида, янги бунёд этилаётган йўللарга етказиб берилди.

Ишлар ташаббускорлигига катта йўл очилганлиги, иктиври ўзимизга қўйиб берилганлиги туфайли ана шу ютуқлар қўлга киритилди. Ўтган йил шағал-қўра ишлаб чиқариш, асфальт цехларида кенг миқёсда та-

Эдуард ГИБЕЛЬ, «Узавтўй» концернига қарашли йўл қурилиш материаллари ва конструкторлари заводининг директори.



21-модда. «Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ясаю фуқаролик ўрнатилди...» Олимпиада йиллар — Нодира Абдураҳмонова ҳамда Ҳайратил Отақўзиев мустақил она юртинимиз паспортини биринчи бор шахар ички ишлар бўлими бошлиғи Айна Ақромов қўлидан олар экинлар, Ўзбекистонда келажак буюк юрт фуқароси бўлганликларида қалблари ифтихорга тўлади.

## ЖАҲОНИЙ МЕЗОН

йилгилиш ҳужжатларида инсон ҳуқуқлари ҳамда уни ҳимоя қилиш масалалари тўлалигича акс этди. Хусусан, Хельсинки ҳужжатида: «...давлатларнинг мустақиллиги БМТ Низоми тамойиллари ва инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси қоидалари асосида амалга оширилади. Давлатларнинг бошлиқлари инсон ҳуқуқлари соҳасида... декларация ва қелишувларда имзоланган халқаро пактлардаги қоидаларни бажаради», деб қайд қилинди.

Декларациянинг 1-моддасидан «Барча одамлар эркин, қадр-қиммат ва ҳуқуқларда тенг бўлиб туғилганлар. Улар ақл ва виждон соҳибдўрлар ва бир-бирларига биродарларча муомала қилишлари зарур», деган сўзлар ўрин олган. Бу ҳужжатнинг моҳиятини янада тўла кўрсатиб турибди.

Мазкур ҳужжатнинг қатор моддалари фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини муҳофаз

лар тобора чўқуралиб бормоқда. Истиқлол йиллари ичида инсон ҳуқуқларини таъминловчи ташкилий тадбирлар ва бошқа махсус институтлар қарор топди. 1995 йил 23 февралда Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили лавозими таъсис этилди. 1996 йил 26 декабрда эса Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида қонун қабул қилинди. Ҳа йили республика Президентининг Фармони билан мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари бўйича марказнинг ташкил этилиши, Олий Мажлис Кенгашининг қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчиликнинг Мониторинги институти иш бошлагани ҳам инсонга бўлган ҳурмат, эътибор ортиб бораётганлигини кўрсатуви дилдири. Бу муассасаларнинг самарали ва фаол ишлаши Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини соҳибқадамлик билан таъминлашнинг муҳим қадамларидан бири ҳисобланади.

Асадулла МАМАТҚУЛОВ, юридик фанлар номзоди, доцент.

63-модда. «Оила жамиятнинг асосий бўлишидир. Ҳамда жамият ва давлат муҳофазасига бунинг ҳуқуқига эга...» Бу сўзларнинг амалий самараси Оқанарон туманининг Ойбулоқ қишлоғида истиқомат қилувчи Эрали ва Икромов бошлиқ оила мисолида тўлиқ муҷассам. Бошқон умр йўлида — фахрий муаллими Маматқал она билан олти фарзанди оққўй қўли. Уғил-қизларнинг ҳаммаси ҳайдада муносаб ўрилларини топишган. Шу йили туманда ўтказилган «Намуна оила» қўриғида қўлиб бўлган бундан аъзоларига ойбулоқликлар чиндан ҳам ҳавас қилишди.

# ОДАМ ҲАҚИҚАТИ ИЧИДА

● МАМЛАКАТЛАР ● ОДАМЛАР ● ВОҚЕАЛАР

## «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»ГА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАН!

Воқеалар туқулганда

ГРЕЦИЯ текин хизмат курсидан 21та шифонача куриш лойиҳасини эълон қилди. Улар Россия, Ўзбекистон, Украина, Арманистон, Грузия ҳамда Қозоғистонда фаолият курсатадилар.

БЮК БРИТАНИЯ 350 нафар ҳарбий хизматчиларни Македонияга жунатиб тўғрисида қарор қабул қилди. Улар қўшни Косово ўлкасида амалий иш билан шуғулланаётган Оврупо Хавфсизлик ва Хамкорлик Ташкилоти кузатувчилари хавфсизлигини таъминлаш, албан қочқорларини ўз масканларига қайтариш, инсонпарварлик ёрдамларини мулклардаги манзилгоҳларга етказиш масалаларини қатъий назорат остига оладилар.

ИРОҚ ҳукумати араб мамлакатлари раҳбарларини Бағдодга нисбатан қўлланаётган халқаро иқтисодий жазо

чоралари қоидаларига амал қилмасликка даъват этди. Бу ҳақда Ироқ адлия вазири Шабоб ал-Малик баёнот берди.

БЮК БРИТАНИЯ куйи палатасининг 150 нафар депутати ички ишлар вазири Жек Строго мактуб йўллаб, Чилининг собиқ мустабид ҳукмдори А. Пиночетнинг овоз этилишига қарши эъанликларини билдирдилар.

ИТАЛИЯ ташқи ишлар вазири Ломберто Дини Россия Федерациясига ташриф буюрди. У олий даражадаги давлат раҳбарлари билан мулоқотлар доир ички давлат муносабатларига доир масалаларни муҳожама қилди.

ИРОҚ президенти Саддам Хусейннинг укаси — Бардан ат-Тикритий Бағдодга қайтажаклигини маълум қилди. Куртидан у билан Бағдод раҳбарияти ўртасида ижобий мулоқотлар адо этилганга ўшайди. Чунки, Бардан ат-Тикритий илгари «хиёнатчи» деб эълон қилинган эди.

ДОГИСТОН билан Чеченистон чегаралари туташган жойда Мурманск «омон»чилари тушган автобۇс ўққа тутилди. Беш нафар хизматчи ҳалок бўлди, бир киши жароҳатланди. Бу иш юзасидан айни кунларда тергов-суриштирув ишлари амалга оширилмоқда.

## МЕҲНАТ ҚИЛГАН ҚАРИМАС

КУНИ КЕЧА Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) XX асрини охири ва XXI асрда инсонлар сийҳат-саломатлигига тааллуқли бўлган муаммолар ҳусусидаги маърузасини эълон қилди. Чунки, ҳозирги пайтда ер қурраси бўйлаб кузатилаётган турли-туман иқтисодий, сиёсий ва итимиойи ҳуружлар одамлар бошига катта-катта талафотлар келтирмоқда. ЖССТ маълумотларига қараганда, XXI асрга ижобий кўз билан қараб бўлмайди. Чунки, тадқиқотлардан келиб чиқадиган ҳулосалар умид учкунларини тугдирмоқда. Зеро, ҳақонинг кўпгина мамлакатларида кундалик турмуш тарзи тобора яхшиланиб бораётганлиги қайд этилди.

2025 йилда ер қуррасида 8 миллиарддан зиёд одам яшайди. Айни пайтдаги тадқиқотлар ўша кезга келиб, ҳар бир одамнинг ўртача умр кўриш мезо-нини 73 йил бўлади, деб таҳмин қилмоқда. Ваҳоланки, 1997 йилнинг охирида ер юзиди 5,8 миллиард одам яшаган эди.

Яна бир қизиқ далилни тилга олиш мумкин. Бўлажак асрда қарияларнинг сони ёшларга нисбатан анча-мунча кўпаяди. Бу дегани ёшлар ўз ота-оналарининг бадастир ҳаёт кеңиришлари учун астойдил хизмат қилишлари лозим, демекдир. Ўшанда ёш авлод икки томонлама устуворликка эга бўлади. Биринчидан — улар савобли ишларга даҳлдор бўладилар, иккинчидан — яхши меҳнат қилиб, ўз умрларини узайтирадилар.

Шу ўринда кўпчилик эътибор қилмайдиган бир ҳолатни эслатиб ўтиш жоиздир. Шарқий мамлакатларда истиқомат қиладиган инсонлар ўз ота-оналарини қариган чоғларида тақдир савдосига ташлаб қўймадилар.

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти шу тариқа одамларни баҳоли-қудрат ҳалол меҳнат қилишга ва беминнат ризқ-рўз топишга ундамоқда. Хайрли фазилат ўзини билган инсонлар қалбида чуқур илдиэ отади, деган умид билдирилмоқда.

## ҚУРОЛ БИЛАН МАҚТАНИБ БЎЛМАС

ХИНДИСТОНДАН таралган бир хабар яна жаҳон афкор оммасини кескин сергалантирди. Дехли дипломатик манбалари тарқатган мазкур хабарда Хиндистон яқин кунлар ичида яна янги ядро ва нейтрон бомбасини синовавий ўтказишга тайёргарлик қўраётганлиги айтилган эди. Хўш, бундай синоваларни ўтказишдан мақсад нима? Жорий йил май ойида ядро бомбалари синовалари ўтказиши муносабати билан билдирилган норазинликлар наҳотки етарли бўлмаган бўлса? Кўринишдан, Хиндистон замонавий ядро қуроллари техникасига эга эканини бутун дунёга кўз-кўз қилмоқчи, шекилли.

Аммо, улар битта мутлақ ҳақиқатни унутиб қўйишгаётганга ўшайди. Қурол билан мақтаниб бўлмаган, қурол ўқталган қўқармайди... Хиндистон ҳукумати мазкур масалалар доир ўз хатти-ҳаракатларини амалга оширгудек бўлса, жаҳон айвонида яқаланиб қолиши ҳеч гап эмас.

Жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.

## ЭЗГУ НИЯТЛАР БИЛАН

ЯҚИНДА АКШ пойтахти Вашингтонда халқаро ҳам-жамиятнинг «конференция» деб аталган анжумани бўлиб ўтди. Унда мазкур жамиятга хайрихоҳ бўлган давлатлар томонидан яқин беш йил ичида Фаластин мухториятига 3 миллиард АКШ доллари миқдорига иқтисодий ёрдам қўраатиш истағи билдирилди. Бу ҳақда АКШ давлат котиби Мадлен Олбрайт хоним маълум қилди. Бу хайрли ишда Канада, Япония, Оврупо ҳамда Араб дунёси мамлакатлари вақиллари иштирок этидилар. Йилнинг қатнашчилари мазкур тақлифни қўллаб-қувватлаб, Фаластин мухториятининг иқтисодий ривожига ҳамда гуллаб-яшнаши Яқин Шарқда тинч ва осийшга вазиатни қарор топтиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.

## ЗЎРАВОНЛИКДАН ТИНЧЛИК ЯХШИ

ЎТТАН ЙИЛ давомиди ва жорий йил бошларида Камбоджа деярли тинчлик бўлмади, десак янгилимаймиз. Камбоджа қироли Народом Сианук, унинг ўғли, биринчи бош вазири Ронарит Сианук ҳамда иккинчи бош вазири Хун Сен тарафдорлари ўртасидаги ихтилофлар оқибат қуроли тўқнашуларга олиб келди. Оқибатда бошбошдоқлик авж олди, минглаб фуқаролар ҳаёти парокчаданликка учради. Томонларнинг неча бор ўтказган учрашуларидан сўнг бирлашган ҳукумат тузиш тўғрисидаги қарор юзага келди. Яқинда бошланган мамлакат олий палатаси ноиблари ҳам мазкур фикрни тасдиқладилар.

Куйи кеча АКШ Камбоджа халқ партияси етакчисини Хун Сен раҳбарлигида тузилган бирлашган ҳукуматни ёқлаб чиқди. Шу муносабат билан АКШ давлат департаменти расмий вақили Жеймс Рубин мамлакатда зўравонликларга чек қўйиш ва сиёсий ўзгаришлар қилишда ҳозирги давр ўта муҳим аҳамият касб этади, деб баёнот берди.

## БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

РЕЙХСТАГ!.. Иккинчи жаҳон уруши тамом бўлгунча бу ибора одамлар қалбида таъшиш ҳиссиётларини уйғотар эди. Зотан, бу жой Адольф Гитлер бошлиқ фашистлар қароргоҳи ҳисобланган. Хўш, эндиликда рейхстаг тақдирини нима бўлади? Олмония парламентининг янги раиси Вольфганг Тирзе пойтахт Боннда Берлинга кўчган тақдирда рейхстаг биносига Бундестаг ишлайверади, деб баёнот берди. Зотан, рейхстаг, ўткинчи, Бундестаг, абадийдир, деди В. Тирзе.

АКШнинг Оклахома штатида Стив Паркер деган шахс яшайди. У бадийи рasmлар ишқибозидир. Унинг йилмасида 70 дан зиёд антиқа асарлар бор... Лекин, бу асарларни одамлар чизган эмас. С. Паркер хайвонлар томонидан яратилган рasmларни йиғади. Масалан, шимпанзе, арангутанлар чизган манзаралар мавҳумот йўналишидаги мусавирларниқадан қолишмайди. С. Паркер энди Чикаго филлари билан «тил топиш»га ҳаракат қилмоқда.

МИЯ ФАЛОИЯТИНИ ҳамма нарсадан узиб қўйиш, бошқача қилиб айтганда, том маънода уни «дам олдириш» яхшими, ёмонми? Олмониянинг Эрланген дорилфунуни олимлари қизиқ тадқиқот қилдилар. Инсон миеси тинимсиз ишлаб турган тақдирдагина катта куч йиғар экан. Дам олмишда эса унинг фаолияти сусяди. Шунинг учун рушунослар миани доим ишлаб туришликни тавсия этдилар.

## ДУШАНБА, 7

### ЎЗТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».  
8.00-8.40 «Талхилонома».

8.40 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 6 йиллигига. «Ўзлик». Бадийи-публицистик кўрсатув.  
9.05 «Жаҳон спорт».  
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесернал. 1-қисм.  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.  
10.05 «Кўпим-ринг».  
10.45 Кино янгиликлари.  
11.00 «Жаҳон кинематографлари».  
11.20 «Кўпимини Сизга армуғон».  
Муслик дастури.  
12.05 Кундаги савис. «Ўшароб ва қор». Бадийи фильм.  
13.25 «Обод уйда пок одамлар яшайди». Талхилий кўрсатув.  
13.30 «Саром ва Дилором». Мультфильм.  
14.10-14.35 «Сажо ҳаёти».

17.55 Кўрсатувлар тартиби.  
18.10 Болалар учун. «Санъат гунаҳари».  
18.30 «Онам ва одам».  
18.45 «Ўрт хавоси даво».  
19.00 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 6 йиллигига. «Истилол нашдаси».

Муслик дастури.  
19.25 «Ўзлик».  
19.30 «Ўзлик» (рус тилида).  
19.35 «Ўзлик» ва банк хабарлари.  
20.10 Оқшом эртаклари.  
20.15 «Ўзлик».  
20.20 «Ўзлик».

